

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

НУМОНОВА ДИЛДОР УМУРЗОҚОВНА

**ЎЗБЕКИСТОН ЗАМОНАВИЙ МАЪНАВИЙ-МАДАНИЙ
ТАРАҚҚИЁТИДА АЁЛЛАР МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРИШНИНГ
ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD)
по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
philosophical sciences**

Нумонова Дилдор Умурзоқовна

Ўзбекистон замонавий маънавий-маданий тараққиётида аёллар
масъулиятини оширишнинг ижтимоий-фалсафий таҳлили 3

Нумонова Дилдор Умурзоқовна

Социально-философский анализ повышения ответственности
в современном духовно-культурном развитии женщин 19

Numonova Dildor Umurzoqovna

The socio-philosophical analyse of increasing women`s responsibility
in modern spiritual-culture development of Uzbekistan..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications 39

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

НУМОНОВА ДИЛДОР УМУРЗОҚОВНА

**ЎЗБЕКИСТОН ЗАМОНАВИЙ МАЪНАВИЙ-МАДАНИЙ
ТАРАҚҚИЁТИДА АЁЛЛАР МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРИШНИНГ
ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2.PhD/Fal 220 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Навоий давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (samdu.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сафарова Нигора Олимовна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Яхшиликков Жўрабой Яхшиликкович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Аннаева Назокат Ражапбаевна
фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.F.02.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “___” _____ соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz Самарқанд давлат университети Тарих факультети, 1-кават, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.)

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

С.К.Каримов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Х.А.Джуракулов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
фалсафа доктори (PhD), фалсафа ф.б.

С.А.Чориев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маданий соҳаларда туб ўзгаришлар жараёни ҳар қачонгидан ҳам жадаллашган. Ҳозирги замон тараққиётида аёлларнинг ижтимоий ҳаётда фаоллиги, интеллектуал билими, оқилона иш тутиши билан давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги иштирокида масъулиятли вазифаларни ўз вақтида бажарилиши ҳамда муваффақиятли натижалари муҳим аҳамият касб этади. Бугунги глобаллашув жараёнида дунёда аёллар масъулиятини ошириш, ижтимоий, иқтисодий, маданий тараққиёт мезонларидан бири сифатида баҳоланмоқда. Уларнинг жамият равнақида тутган ўрни қатор илмий марказлар томонидан ўрганилишига қарамай, аёл фаоллиги замирида аёл масъулияти субстанционал аҳамият касб этиши ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда.

Жаҳон илм-фани тизимида аёллар шахс сифатида доим тадқиқот объектларидан бўлиб келган. Аёлнинг жамият тараққиётига ижтимоий, иқтисодий, сиёсий таъсири қатор фан тармоқлари тизимида замонавий методология нуқтаи назаридан тадқиқ этилмоқда. Хусусан, аёл ижтимоий фаол шахс сифатида – таълим-тарбияда, субъект сифатида – ишлаб чиқаришда ва тадбиркорликда фаол шахс ва масъулиятли инсон сифатида ўз мавқеига эга бўлган. Ҳозирги кунда энг долзарб ижтимоий илмий муаммолардан бири, бахтли ҳаётнинг ижтимоий-фалсафий моҳиятини очиб бериш, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланиш жараёнида аёлларнинг масъуллигини янада ошириш йўллари аниқлаш ва амалий тавсиялар бериш каби долзарб масалалар ижтимоий-гуманитар фан соҳаси олдида турган муҳим тадқиқот мавзуларидан бўлиб келмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар тизимида аёлларнинг фаоллигини, масъуллигини ошириш муҳим ижтимоий, сиёсий, иқтисодий масалалардан бири бўлиб, давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишига айланди. “...аёлларнинг турмуш шароитларини ҳисобга олган ҳолда, иш билан таъминлаш, опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш учун ҳар томонлама имконият яратиш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузини ошириш бўйича давлат сиёсатини фаол давом эттиришни биз ўзимизнинг энг муҳим вазифамиз, деб биламиз”¹. Бу вазифаларни бажаришда эса, аёлларнинг барча соҳаларда иштирокини, фаоллигини, масъуллигини ошириб бориш йўллари ўрганиш, умуман бу ҳодисани ижтимоий фалсафа категориялари орқали таҳлил қилиш муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ва 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сон “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.Б. 144.

ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Аёлларнинг масъулиятини ошириш, ислохотларнинг фаол иштирокчисига айлантириш каби масалаларни тадқиқ этишда, аёллар масъулияти, фаоллиги тарихий даврларда турли динамикада ривожланган. Аристотель, И.Кант, Ф.Гегель, Р.Декарт, Платон, Э.Фромм каби мутафаккирлар ўзларининг илмий асарларида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнларда аёлларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни хусусида сиёсий-фалсафий ғоялари мавзу доирасидаги муаммони тадқиқ этишда методологик аҳамият касб этади.

Хорижий давлат тадқиқотчилари томонидан аёллар фаоллиги, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий тараққиётда тутган ўрни хусусида қатор монографик тадқиқотлар эълон қилинган. Жумладан, К.Борман, П.Баррой, М.Валес, Э.Кох, С.Ҳаггард ва ҳоказолар¹.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида бу борада Н.Иванова, М.Мартин, И.Грошев, С.Пригожина, Л.Попова² каби файласуфларнинг илмий изланишларини намуна қилиш мумкин. Ушбу тадқиқотлар диссертация доирасидаги аёллар масъуллиги, жамият тараққиётида тутган ўрни каби муаммони қисман тадқиқ этишда маълум даражада назарий асос бўлди.

Аёллар ижтимоий-сиёсий фаоллиги масалалари ҳамда аёл ҳуқуқлари ва ижтимоий мавқеи масалаларини М.Холматова, С.Сафаева, А.Хусейнова, Р.Убайдуллаева³ шунингдек, махсус диссертация ва фундаментал изланишларда С.А.Ахроров (Ўзбекистонда аёллар ижтимоий фаоллигини ошириш), Н.Д.Жўраева (Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида хотин-қизларнинг ўрни), Н.М.Муравьёва (Аёлларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш масалалари), К.У.Нажмиддинова, Ф.А.Примова (Оила тарбиясида миллий ва умуминсоний ахлоқий маданиятнинг ўрни),

¹ Borman K., Quarm D., Gildeonss(eds). Women in the workplace: Effects on families. – New Jersey, 1984. 104p.; Barroy P.J. Determinants of Economic Growth:Crosscountry Survey A. –Cambridge, MA: MIT Press, 1997. P.407 ; Cox E.Leading women. Sydney, 1996. P.326.; Haggard S. The political Democratic Transitions. – Princeton University Press, 1995. P. 179.

²Иванова Н. Что раздражает мужчин в женщинах: секреты семейного счастья. – Ростов на Дону, Феникс, 2007. С.211. Пригожина С.В. Женский портрет на фоне Востока и Запада. – М.: Вост. лит-ра, 2006. С.478.; Попова Л.В. Проблема самореализации одаренных женщин // Вопросы психологии. – 1996. – № 2. С. 31–41;

³ М.Холматова, Сафаева С. Аёллар масаласи: умумижтимоий ва миллий жиҳатлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003. Б.162. ;Хусейнова А.А. Фуқаролик жамияти ва аёллар. – Бухоро, 2009. Б.88.; Убайдуллаева Р.А. Семья в Узбекистане. –Тошкент: Ижтимоий фикр, 2012.Б.164.

Х.Насруллаева (Ўзбекистонда хотин-қизлар ижтимоийлашуви жараёни), М.А.Каримова (Ўзбекистонда хотин-қизларни ижтимоий муҳофазалашда исломий кадриятларнинг ўрни), Г.Б.Ўразалиева (Гендер муносабатларининг аёллар ҳуқуқий маданиятини такомиллаштириш) каби олимлар илмий-методологик жиҳатдан тадқиқ этишган.

Сўнгги уч йилда мавзу доирасидаги муаммони тадқиқ этишда Н.Аннаеванинг¹ диссертациясидаги аёлларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги, хусусан, тадбиркорликдаги фаоллиги масалалари маълум даражада назарий аҳамият касб этди.

Юқорида зикр этилган олимларнинг замонавий илмий ёндашувлари ва илмий хулосалари бизнинг изланишларимиз учун муҳим аҳамиятга эга. Бироқ бу тадқиқотларда замонавий маънавий-маданий тараққиётда аёллар масъулиятини оширишнинг ижтимоий-фалсафий таҳлили кўрсатилмаган. Айнан ушбу ҳол мавзумизнинг илмий нуқтаи назардан долзарблигини кўрсатади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Навоий давлат педагогика институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 2016-2020 йилларга мўлжалланган «Илмий тадқиқот фаолиятини ривожлантириш ва илмий салоҳиятини оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар дастури» доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистоннинг замонавий маънавий-маданий тараққиётида аёллар масъулиятини оширишни ижтимоий-фалсафий тадқиқ қилиш ва илмий-назарий тадқиқотлар натижасида конструктив таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«ижтимоий масъуллик» «ижтимоий фаоллик» тушунчаларига оид назарий фалсафий илмий ёндашувлар моҳиятини қиёсий таҳлил этиш;

илмий-назарий тадқиқотлар ёрдамида хотин-қизларнинг масъулиятини ошириш борасида амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

Шарқ ва Ғарб фалсафасидаги назарий-фалсафий концепцияларни, уларга индивидуал ёндашиш ҳақидаги ғояларнинг мазмун-моҳиятини очиб бериш;

жамият тараққиётида аёлларнинг иштироки социодинамикасини, жамият ва давлат ишларини бошқаришга оид қобилиятларини фалсафий талқин этиш;

аёллар интеллектини оширишнинг замон талабига мос равишда фаолияти билан боғлиқлиги масалаларини тадқиқ этиш;

аёллар масъулиятини ошириш борасидаги объектив имкониятлари, ҳуқуқий ва ижтимоий механизмларини аниқлаш, шу асосда амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

¹ Аннаева Н.Р. “Аёллар тадбиркорлигининг генезиси, назарияси ва амалиёти” фалсафа доктори (PhD) илмий дараж.дис. автореф. – Тошкент, 2018. Б.20.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистоннинг маънавий-маданий ҳаётида аёллар масъулияти.

Тадқиқотнинг предмети жамият тараққиётида аёллар масъулиятини ошириш масалаларини ижтимоий-фалсафий тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихийлик, анализ ва синтез, диалектик ва қиёсий таҳлил, ҳужжатлар таҳлили (контент анализ), интервью савол-жавоби, умумлаштириш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

жамиятда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштироки учун демократик қадриятларни қўллаб-қувватловчи ижтимоий-маънавий муҳит мезонлари (тартиб, қоидалар) зарурияти изчиллик, тизимлик ва комплекслик тамойили асосида исботланган;

сиёсий интеллектнинг креативлик, ижодий фаоллик ва эвристик ечим сингари хусусиятлари аёлларнинг масъуллигини оширишда муҳим тамойил эканлиги асосланган;

аёлларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маданий ҳаётдаги иштирокини таъминлайдиган ижтимоий тизим зарурати илмий-қиёсий таҳлил воситасида далиланган;

аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда стратегик, тактик ва замонавий-даврий йўналишларини юзага келтирган гнесеологик ва аксиологик сабаблари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

аёллар ижтимоий-сиёсий масъуллигини оширишнинг меъёрий асоси шакллантирилган;

аёлларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маданий ҳаётдаги иштирокини таъминлайдиган ижтимоий-сиёсий билим, ўз вақтида масъулиятни англаш зарурияти илмий-қиёсий таҳлил этилди ва тадқиқот натижасида Навоий вилояти Кармана, Қизилтепа туманларида «Аёллар мактаби» очилган;

ижтимоий тафаккур, фаровон ҳаёт, ватанпарварлик, ижтимоий ҳамжихатлик, ижтимоий бирдамлик каби омилларни ижтимоий-сиёсий институтлар фаолиятида амалий манба бўлиши асослаб берилган;

замонавий оилалар ва оилавий маданиятни мустаҳкамлаш бўйича илгари сурилган тақлиф-тавсиялардан Навоий вилояти “Оила” илмий-амалий тадқиқот марказининг дастурлари ва режаларини ишлаб чиқишда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, нашр этилган ва у ҳақдаги тақриз, хулоса, тақлиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, диссертацияда келтирилган фалсафий, ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий ғоялар, назарий умумлашмалар ижтимоий-фалсафий ва маънавий билимларни чуқурлаштириш ҳамда соҳага оид илмий тадқиқотларда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса, ишлаб чиқилган илмий хулосалар ва назарий-амалий ғоялар «Ижтимоий фалсафа», «Этика», «Педагогика», «Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси» каби бир нечта фанлардан ўқув-методик қўлланмаларни тайёрлашда ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлар, хотин-қизлар кўмиталари, маҳаллалар аёлларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маданий ҳаётдаги иштирокини таъминлайдиган муассасаларнинг амалий фаолиятида дарслик ҳамда ўқув қўлланмаларни тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон замонавий маънавий-маданий тараққиётида аёллар масъулиятини оширишнинг ижтимоий-фалсафий таҳлили асосларини тадқиқ этиш бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар асосида:

жамиятда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок қилиши учун демократик кадриятларни қўллаб-қувватловчи ижтимоий ва маънавий муҳит мезонларига оид илмий хулосаларидан А-1-163 рақамли “Демократик ислохотларда ўзбек моделининг концептуал масалалари таҳлили ва изчил ривожланишнинг назарий-методологик асослари” мавзусидаги амалий лойиҳанинг учинчи босқичдаги режаларни амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 21 ноябрдаги 89-04-2637-сон маълумотномаси). Натижада, “Фалсафа”, “Ижтимоий фалсафа” фанлари мазмунини бойитишга, такомиллаштириш ва ўқитиш сифатини ошириш ҳамда услубий тавсиялар ишлаб чиқишга хизмат қилган;

сиёсий интеллект аёлларнинг масъуллигини оширишда муҳим тамойил эканлиги илмий асослаб берилганлигига оид фалсафий методологик тавсияларидан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши томонидан 2019 йил 23 май куни Республика миқёсида ўтказилган “Тараққиёт модели-ривожланиш ва ислохотлар жараёнининг асоси” деб номланган тадбир дастури сценариясини тайёрлашда самарали фойдаланилган (Ўзбекистон ёшлар иттифоқти Марказий Кенгашининг 2019 йил 27 ноябрдаги 04-13/5948-сон маълумотномаси). Натижада, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ҳудудий кенгашларида фаолият кўрсатаётган мутахассислар касбий маҳоратини ошириб боришга ва дастурларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

аёлларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маданий ҳаётдаги иштирокини таъминлайдиган ижтимоий тизим зарурати илмий-қиёсий таҳлиliga доир концептуал жиҳатдан асосланган илмий-оммабоп ғояларидан Навоий телерадиокомпанияси орқали эфирга узатилган «Ёшлар ва замон»,

«Аёллар мактаби», «Қалб ҳаловати», «Диёр-24» сингари кўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар сценарийларини тайёрлашда унумли фойдаланилган (Навоий вилояти телерадиокомпаниясининг 2019 йил 2 июлдаги 01-02/149-сон маълумотномаси). Бу эса, ўз навбатида ёшлар ва аёлларнинг замонга мос равишда интеллектуал салоҳиятини ҳамда уларни жамиятдаги масъулиятини оширишга, миллий маънавиятини юксалтиришга, ёшлар ва аёллар орасида Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатини кучайтиришга хизмат қилган;

аёллар ижтимоий-сиёсий фаоллигининг демографик ҳамда минтақавий хусусиятларига оид илмий таҳлиллардан Навоий вилоят «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази томонидан маҳаллаларда “Ватанга муҳаббат, инсонпарварлик, бағрикенглик, маънавий қадриятлар моҳиятини англашда аёл-онанинг ўрни” мавзусидаги тадбир дастурларини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги «Оила» илмий-амалий тадқиқот марказининг 2019 йил 10 июлдаги 680-сон маълумотномаси). Натижада, жамиятимиздаги оилаларда аёллар масъулиятини янада ошириш ва замонавий таълим-тарбия беришга ҳамда сифатини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот асосий натижалари 6 та ОАК тасарруфидаги ва 3 та хорижий журнал материалларида, 2 та халқаро ҳамда 16 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён этилган ва апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 дан ортиқ илмий ишлар чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола (жумладан, 5 та республика ва 2 та хорижий журналларда) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ишланганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, назарий ва методологик асослари, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг муҳокама ва синовдан ўтганлиги, тузулиши баён этилган.

Диссертациянинг «**Ижтимоий масъулият тушунчасининг назарий-фалсафий, методологик асослари**» деб номланган биринчи бобида аёллар ижтимоий масъулияти энг муҳим заруриятлардан бири эканлиги таҳлил этилган. Ҳозирги замон илм-фанида «масъулият», «ижтимоий масъулият» тушунчалари кенг қўлланилади. Ушбу тушунчалар негизида инсоннинг ён-

атрофга, ижтимоий қобилиятларга, оламни англашга оид тажрибаси, яъни фаолияти ётади. Демак, «ижтимоий масъулият» тушунчаси «фаолият» ва «амалиёт» тушунчалари билан бевосита боғлиқлиги очиб берилди. «Фаолият» – (харакатчанлик, таъсирчанлик, самарадорлик) муайян соҳада олиб бориладиган иш, машғулот, ҳаракат ҳисобланади. Инсон фаолияти атроф-оламга ва инсонларга нисбатан ўзига хос муносабатидан иборат. Зотан, инсоннинг ҳаётда маъсулиятли бўлишининг муҳимлиги унинг воқеа-ҳодисаларга бўлган фаол иштирокида намоён бўлади. Тадқиқотда инсон ҳар қандай фаолиятда ҳаётини тажриба тўплаши, атрофини ўраб олган борлиқни билиши, кўникма, малака ҳосил қилиши натижада шахсга хос бўлган энг муҳим хусусиятлардан бири масъулият шаклланиб боради.

Инсон мақсади қонун сифатида унинг ҳаракатларининг усули ва характерини белгилаб беради. Инсон масъулияти – унинг ривожланиши учун зарур шароит. Ана шу шароит жараёнида ҳаётини тажрибага эга бўлади. Масъулият–инсоннинг борлиқни англаш, ўзгартириш, такомиллаштириш, ўзидаги интеллектуал, ижодий кучни намоён этиш, эл-юрт манфаатларига хизмат қилиш, инсонийлик, фуқаролик бурчини фидойилик кўрсатиб бажаришга қаратилган хатти-ҳаракатлардан иборат. Ҳозирги замон илм-фанида «масъулият», «ижтимоий масъулият» тушунчалари кенг қўлланилади. Масъулият бу сўз арабча калом деган маънода, «масъул»-жавобгарлик, ҳисоб беришлик тушунчаларини ифода этиб, бирор ишда хатти-ҳаракат оқибати, натижаси учун жавобгарлик ҳисобланади. Масъулият сўзини кўп ишлатсакда, одатда, мазмун моҳиятига эътибор қаратмаймиз, лафз юкини кўпинча ҳис этмаймиз. Аслида, масъулият сўзининг ўзаги «масъул» -жавоб берувчи, жавобгар маъноларини англатади.

Юқоридаги таҳлилларга асосланиб, масъулият тушунчасига қуйидагича таъриф берилди.

Масъулият – инсон зиммасига юклатилган маълум бир вазифани бажаришда қатъийлик ва ирода талаб қилувчи, натижавий ҳисобот беришга асосланган хатти-ҳаракатдир.

Барча давлатнинг истиқболи, халқнинг фаровон, осойишта ҳаёти, унинг эртанги куни, келажаги бўлмиш ёш авлод, тарбияланувчилари ва таълим берувчиларининг тўғри таълим ҳамда тарбиясига, умидли ўғил-қизлари билан бевосита боғлиқдир. Жамиятдаги инсонлар фаолияти ва улар ўртасидаги муносабатлар уларнинг ижтимоий ҳаётининг асосий мазмунини ташкил этади. Булар оилавий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, эстетик фаолиятлари ва уларга мос келувчи муносабатлардир. Уларнинг маҳсули жамиятнинг ижтимоий-сиёсий тизими, унда яратилган моддий ва маънавий қадриятларда ўз ифодасини топади. Энг олий қадрият-инсон умри, унинг фаолияти, турмуш тарзи, хатти-ҳаракати, ишонч-эътиқоди, умр маъноси, хулқ-одоби билан боғлиқ шахсий қадриятдир.

Диссертацияда, жамият ўз характери ва мазмунига қараб, ижтимоий масъулият турлари шаклланиши хусусида таҳлиллар келтирилган.

Буларнинг замирида жамият ҳаёти турли: иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий соҳаларга ажралади. Жамиятнинг ижтимоий тузилишида оила, ташкилотлар, миллатлар ва давлат ўз ўрнига эга. Уларнинг ўзаро мутаносиблиги жамият барқарорлигини таъминлайди.

Бугунги кунда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар кишиларнинг онгига, ҳаёт тарзига ва ижтимоий масъуллигига таъсир этмай қолмайди, чунки демократия том маънода халқ манфаатларига, кўпчилиكنинг орзу-истакларини рўёбга чиқаришга имкон беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев: «Аёлнинг нафосати ва назокати, вафо ва садоқати, ақл-заковати ва фидойилиги асрлар мобайнида ер юзида ҳаёт давомийлиги ва абадийлигига асос бўлиб келади»¹ деб таъкидладилар. Ҳар қандай жамиятда инсонларнинг хатти-ҳаракатлари муайян қоидалар ёрдамида тартибга солинади. Қадриятлар эса кўп жиҳатдан инсоннинг дунёқарашини белгилаб беради. Ўзбек халқининг оилаларида фарзандлар таълим-тарбияси билан оналар ўз дунёқараши бўйича ҳар бирини тарбиялаб вояга етказди. Она меҳри, маънавий кучи жиҳатидан бекиёс ва чексиз ижобий фазилатларга бойитиб, фарзандлар таълим-тарбияси билан шуғулланар экан ҳеч қачон адашиши мумкин эмас. Она Ватан олдида, фарзанд олдидаги бурчлари, масъулияти, оиласи олдида, бурчларини ўз вақтида бажариш билан бутун олам баҳра олишини таъминловчи куёшга ўхшайди. Аёллар мустақил субъект – жамоатчилик фикрини ифодаладиган катта куч. Бироқ, бу аёллар барча масалаларга бир хил баҳо беради, деган фикрни англатмайди. Бироқ, шунга қарамай, жамиятнинг ҳолатига баҳо беришда аёлларнинг нуқтаи назари эркакларга қараганда етарлича амалий ва ижобийдир. Аёлларнинг жамоатчилик фикри сиёсий ва иқтисодий жараёнларнинг инқилобий ривожланишини эмас, балки кўпроқ эволюцион ривожланишини қўллаб-қувватлайди. Демократик ўзгаришларга, сиёсий партиялар фаолиятига, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий масъуллигига ҳам, энг аввало, маънавий мезонлар билан ёндашиш керак.

Диссертациянинг «**Аёллар масъулиятини оширишнинг ижтимоий-фалсафий масалалари**» деб номланган иккинчи бобида аёлларнинг бугунги кунда жамиятимиз бошқарув ишларига жалб этишда фуқаролик институтларининг роли ва аҳамиятини таҳлили келтирилган. Президентимиз Шавкат Мирзиёев: «Сиз ҳурматли аёлларимиз ўзингизни оналик меҳрингиз, ҳаётий билим ва тажрибангиз билан фарзандларимизни турли хавф-хатарлардан асрашда, уларни мустаҳкам иродали, маънавий-интеллектуал жиҳатдан етук, жонажон Ватанимизга садоқатли инсонлар этиб тарбиялашда бундан буён ҳам куч ғайратингизни аямайсиз, деб ишонаман. Айниқса, қиз болаларни ҳаётга тайёрлаш, уларни замонавий билимлар, касб-хунарларга ўргатишда биз, аввало, сизларга суянамиз»²- дедилар. Бугун Ўзбекистон

¹Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Тошкент - «Ўзбекистон», 2018. Б.461.

²Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Тошкент - «Ўзбекистон», 2018. Б.475.

хотин-қизларига ва ёшларга яратилаётган барча имкониятлар замирида давлатимизнинг бугуни ҳамда келажакни мустахкамланишни янада ошириш режаларини инобатга олиб, самарадор ишларни олиб бормоқдалар. Давлатнинг инсонпарварлиги ва маънавий-маданий даражаси, ўтказётган ижтимоий сиёсатининг мазмунига қараб баҳоланади. Келтирилган маълумотлар юртимизда истиқомат қилувчи ҳар бир инсон тақдири, оилаларнинг турмуш тарзи, иқтисодий таъминланганлик каби муҳим масалаларнинг динамикасида далолат беради.

Диссертацияда Президент фармон ва қарорларининг ижро механизми хусусида таҳлиллар келтирилган бўлиб, оилавий кадриятлар ва анъаналар йўналишида фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни олиб бориш муҳим илмий масалалардан эканлиги таъкидлаб ўтилган. Республика «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази ва унинг ҳудудий бўлимлари ташкил этилди. Фармонда белгилаб берилган устувор йўналишлар ва вазифаларни амалиётда татбиқ этишни таъминлашга қаратилган 5 та бўлим ва 56 та банддан иборат «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустахкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури»¹ тасдиқланди. Қабул қилинган Фармон хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари таъминлашни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиб, уларнинг оила ва жамиятдаги ўрни, мавқеини мустахкамлашга, салоҳиятини тўла намоён этишига, оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралда ПФ-5325-сон Фармони қабул қилинди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев: «Фармонда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш, қонуний манфаатларини таъминлаш, қобилият ва салоҳиятини рўёбга чиқариш, оила институтини мустахкамлаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилишга қаратилган кўплаб чора-тадбирлар белгиланди»²- дедилар. Халқимизнинг буюк тарихида матонатли, ақилли, фаросатли ва нафосатли аёлларимиз ўчмас ном қолдирган Тўмарис, Бибихоним, Гулбаданбегим, Зебинисо, Нодира, Увайсий, Анбар отин, Тамарахоним, Зулфия, Суйима Ғаниева каби юзлаб аёлларимиз билан фахрланамиз. 2018 йил ВВС маълумотида кўра, Самарқанд давлат университети олимаси Лейля Беялова дунёдаги энг нуфузли 100 нафар аёллар рўйхатига киритилди ва Ўзбекистон ўтказилган «Йил аёли» кўрик-танловида учинчи ўринни эгаллади. Бугунги кунда «Мўғтабар аёл» нишонига эга бўлган аёллар сони 260 тани ташкил этмоқда. Хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини мустахкамлаш борасида изчиллик билан амалга оширилаётган шарт-шароитлар барча соҳада хотин-қизларга берилаётган имтиёзлар, Президент фармон ва қарорлари, Давлат дастурлари яратилаётган имкониятлар бугунги кунда аёлларнинг маънавий-маданий, ижтимоий- сиёсий маданиятини, хотин-қизларни ва оилани ҳар томонлама

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Мирзиёев Ш.М. 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сон Фармони.

²Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баходир. Тошкент - «Ўзбекистон», 2018. Б.463.

қўллаб-қувватлашга қаратилган. Ўзбекистонда ёшлар сифатли таълим, тиббий хизмат ва иш ўринлари билан таъминланиши, уларнинг ҳуқуқлари, эркинлик ҳамда манфаатлари кафолатланиши, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда самарали иштирок этиши билан ўз келажаklarини шакллантиришлари учун имконият яратиш каби масалаларга давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралади. Бугунги кунда Ўзбекистонда Хотин-қизлар қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари ҳузурида 130 дан ортиқ марказлари ташкил этилган. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг Инновация бўлими қошида ташкил этилган «Оила» маркази, «Бандликга кўмаклашиш» маркази, «Ижтимоий мослашув ва реабилитация» маркази, «Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази» маркази, «Ихтирочи аёллар», «Тадбиркор аёллар», «Хунарманд», «Хуқуқшунос аёллар» уюшмаси, «Фаол аёллар» уюшмаси, «Фахрий аёллар» уюшмаси, «Ижодкор аёллар» уюшмаси, «Илм-фан ва аёл» уюшмаси, «Аёл ва саломатлик» уюшмаси, «Ижтимоий мослашув ва реабилитация» марказлари фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев: «Айни пайтда бугун барчамиздан, биринчи навбатда, сиёсий партияларнинг вакиллари, депутат ва сенаторлардан мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг нафақат иштирокчиси, балки ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлишини, бошқаларга намуна кўрсатишни талаб этмоқда»¹ деб таъкидладилар. Аёлларнинг бугунги ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаоллигини ошириш, ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришда ҳукуматимизнинг ҳар бир қарор ва фармонлари бажарилишида сифатли ва одилона иш тутиш, чора-тадбирларни амалга оширишга боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўз маърузасида шундай деган эдилар: «Барчамизга яхши аён, бугунги...юртимизда тинчлик ва осойишталик, фуқаролар ва миллатлар ўтасида ҳамжиҳатлик муҳтини кўз қорачиғидек асрашимиз зарур²». Фуқаролик жамияти XXI аср инсон омили, унинг жамиятда, инсонларнинг орасидаги хулқини бошқаришига эътиборнинг кучайганлиги, бу ҳар шахсдан ўзини, бошқаларни ҳурматлаш талабини қонунлар асосида ҳаёт тарзига ақлий тафаккурлари орқали идрок этишни талаб этади.

Бугунги кунда, оилаларнинг мустаҳкамлиги аёлнинг ақли ва тафаккури, жамиятда тутган ўрни, дунёқараши, ҳар бир жараёнда тўғри йўл тута билишига боғлиқ.

Диссертациянинг учинчи боби **«Ўзбекистон маънавий-маданий таракқиётида аёллар сиёсий масъулиятини оширишнинг ижтимоий омиллари»** деб номланган бўлиб, унда аёллар ижтимоий-сиёсий фаоллиги билан боғлиқ масалалар илмий-назарий тадқиқ этилган. Масъулият замирида

¹Мирзиёев Ш.М. Миллий таракқиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. Б.541.

²Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти 2017йил-шиддатли ислохотлар йили. Тошкент: «Адолат», 2018. Б.78.

фаоллик муҳим компонентлардан биридир. Жамият модернизацияси жараёнида бевосита аёлнинг ўрни бекиёс. Зотан, ҳозирги кунда Ўзбекистон аҳолисининг 50,2%ни аёллар ташкил этади. Бу кўрсаткич аёлларнинг жамият тараққиётида аёлларнинг ҳам фаоллигини, ҳам масъулиятини ошириш муҳим ижтимоий ва сиёсий масалалардандир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев: «Ўтган бир йил давомида биз халқимиз, жумладан, хотин-қизлар билан мулоқот олиб бориш давлат сиёсати даражасига кўтардик. Шу асосда қишлоқ ва шаҳарларимизда уйма-уй юриб, ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш, бу борадаги муаммоларни ҳал этиш бўйича самарали тизим яратилди»¹- деб таъкидладилар. Мамлакатимиз айнан ҳозирги кунда хотин-қизлари орасида 514 нафари фан доктори, 6 нафари академик 15 нафари Ўзбекистон Қаҳрамони, 17 нафари сенатор, 16 нафар қонунчилик палатаси депутати, шунингдек, маҳаллий кенгашлар депутатларининг 23 фоизидан ортигини айнан аёлларимиз ташкил этишган, 2020 йил сайлов натижаларига кўра 32 фоизни ташкил этиб, аёл депутатларнинг сони 48 тага ошганини алоҳида таъкидлаш лозим. Ўзбекистонимиз хотин-қизлари ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида ўзларини тўла намоён этиб келмоқда. Ўнлаб опсингилларимиз «Ўзбекистон халқ шоири», «Ўзбекистон халқ ўқитувчиси», «Ўзбекистон халқ артисти» сингари давлатимизнинг юксак фахрий унвонларига сазовор бўлганлар. Шулар қаторига 283 нафардан ортиқ ёш истеъдод эгаси Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган. Хотин-қизларимизнинг соғлигини асраш ва бошқа талаблар ҳақида Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўз маърузасида шундай деган эдилар: «Айниқса, қизларимизнинг соғлиги асраш, уларнинг замонавий билим ва касб-хунарлар эгаси бўлиб вояга етиши, жамиятда ўз муносиб ўрнини топиши учун биз барчамиз-ота-оналар, жамоатчилик, мутасадди раҳбарлар жавобгарлик ва масъулиятимизни янада кучайтиришимиз зарур. Нега деганда, қиз бола-бўлғуси оила бекаси, келажагимиз эгасидир. Бугун биз уларга қандай таълим-тарбия берсак, эртага улар янги авлодимизга шундай тарбия беради»². Ўзбекистон халқининг қўлга киритилаётган муваффақиятлари, тинч ва гўзал ҳаётимизни юртимизда хотин-қизларимизнинг оила ҳамда жамиятимиздаги ўрни, роли, уларнинг ҳаётини манфаатларини янада кенгроқ таъминлаш каби эзгу мақсадларга эришишимизда аёллар масъулиятини оширишимиз лозим. Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш Ўзбекистонда демократик ҳукуқий давлат барпо этишга қаратилгандир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев: «Биз ёшларимизни миллий ва умумбашарий кадриятлар руҳида тарбиялаш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этишимиз зарур. Бундай ғоят муҳим вазифани амалга оширишда биз аввало кўпни

¹Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Тошкент: «Ўзбекистон», 2018. Б. 466-467.

²Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. Б.350.

кўрган кайвони онахонларимизга, маҳалла фаолларига, муҳтарам фахрийларимизга, сиз, азиз опа-сингилларимизнинг ақл-заковатингиз, билим ва тажрибангизга таянамиз¹», деб таъкидлаганлар. Зотан, Ислом динини асосий ахлоқий-ҳуқуқий тамойиллари, ҳадиси шарифларда маъно ва мазмунан теран, умуминсоний кадриятларни ҳимоя этувчи ва тарғиб қилувчи фалсафий хулосалар, ҳикматлар, ахлоқ ва одоб масалалари, асосий қоидалар, таълимотлар билан бойитилган. «Шарқона маънавий-ахлоқий императив ижтимоий-ахлоқий идеални шакллантиришга йўналиш берган, уни тарихий-маданий парадигма, ўзбек халқининг маънавий мероси билан боғлаган. Маънавий-ахлоқий императивда инсонда ижтимоий-ахлоқий идеални шакллантириш, эзгулик, инсонпарварлик, ватанпарварлик, оилапарварлик, ижтимоий аҳиллик ва дўстлик, адолатпарварлик, бағрикенглик, олижаноблик, меҳр-муҳаббат каби фазилатлар билан боғлиқдир»². Демак, маънавий-ахлоқий императив деганда, юқоридаги фазилатларни, хислатларни шакллантиришга қаратилган тарихий-маданий анъаналар, тартиблар, қонун-қоидалар мажмуи назарда тутилади.

Аёлларнинг сиёсий масъулияти ижтимоий тараққиётнинг муҳим шартларидан бири. Зотан, ҳеч бир жамият аёлларнинг фаол ҳаракати, жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштирокисиз ривожланмайди. Ижтимоий тараққиётнинг ривожланишида аёл масъулияти қуйидаги ижтимоий омилларда:

- ижтимоий йўналтирилганлигида;
- ихтиёрийлик ва ташаббускорликка асосланганлигида;
- ўзини ўзи бошқаришда ижодий хусусият касб этишида;
- фидойиликка асосланган, ижтимоий манфаатларни шахсий манфаатлардан устун қўйишида намоён бўлади.

Шунингдек, аёлларнинг ҳаёт тарзида, оиласида ва хулқ-атворида этномаданий анъаналарга таяниш ворисийлик принципини акс эттиради. Айнан аёл халқнинг эътиборли, эъззли анъаналарини сақлашга, уларни тарихий-маданий мерос даражасига кўтаришга ва авлодларга етказишга интилади. Шунинг учун ҳам этномаданий анъаналар аёл яшаган оилада сақланиб келади. Аёлларда аҳил бўлиб, оилавий муносабатларни ва қариндош-уруғчилик алоқаларини асраб, мустаҳкамлаб яшашга мойиллик кучлидир. Маънавий-ахлоқий императивлар эса ана шу уйғунликни мустаҳкамлашга, уларни халқ, миллат манфаатлари билан мувофиқлаштиришга хизмат қилади. Ушбу принцип аёлларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятида, жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этишида ҳам акс этади.

¹Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. Б. 349-350.

²Агзамходжаева С.А. Ижтимоий идеал ва Ўзбекистонда маънавий тараққиёт муаммолари: Фалсафа фан. д-ри ... дис. автореф. – Т., 2008. Б. 24.

ХУЛОСА

Тадқиқотлар натижаларидан келиб чиқиб қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Сиёсий партиялар қошидаги «Аёллар қаноти» ва бўлимлари бугун хотин-қизларни ижтимоий-сиёсий жараёнларга, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига жалб этишнинг самарали институтига айланмоқда. Шу билан бирга, улар аёллар номзодини сайловларда иштирок этишга тавсия қилиш, уларни парламент қошидаги фракцияларга жалб этиш масалаларига анъанавий ёндашмоқдалар.

2. Жамият бошқарувида аёллардан етакчилар, ташкилотчилар етишиб чиқишига алоҳида эътибор беришлари зарур. Айнан аёл етакчи бошқа аёлларни ижтимоий-сиёсий ҳаётга жалб этишда намуна, ташкилотчи ролини бажаради, хотин-қизларнинг ҳаётий мақсадларини танлашига ижобий таъсир этади.

3. Маҳалла, ўзини ўзи бошқариш органлари аёллар ҳаётига, оилаларга энг яқин институтлар сифатида хотин-қизларни жамият ва давлат ишларини бошқаришга жалб қилишда кенг имкониятларга эга.

4. Маънавий-ахлоқий императив ижтимоий-сиёсий фаолиятнинг шарқона, миллий одоб-ахлоқ, анъаналар, кадриятлар доирасида кечишини таъминлайди. Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятни одоб-ахлоқ, маънавий императив талаблари асосида қуриш жамиятда тотувликни, иттифоқни, тинчликни асрашга, юксак маънавиятли баркамол авлодни тарбиялашда ёрдам беради.

Юқорида келтирилган хулосалардан келиб чиқиб қуйидагиларни амалга оширишни тавсия этамиз.

1. Аёллар ижтимоий-сиёсий фаолиятининг назарий-методологик масалалари янги эмпирик материаллар ва тажрибалар, гносеологик изланишлар асосида фалсафий тадқиқ этилишини такомиллаштириш лозим.

2. Рақамли маданият контекстида миллий-анъанавий кадриятларда юз берадиган ижобий ўзгаришларда аёллар ролини илмий-назарий тадқиқ этиш муҳим долзарб муаммо.

3. Сиёсий партиялар дастурларига лидер аёллар тайёрлашни асосий вазифа сифатида киритиш лозим.

4. Жамиятда ўзини ўзи бошқариш органларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, улар фаолиятида иштирок этаётган аёлларнинг ҳуқуқий ваколатларини кенгайтиришга қаратилган қонунларни такомиллаштириш.

5. Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга хизмат қиладиган намунавий образлар, моделлар, бадиий портретлар яратиш ва оммавий ахборот воситаларида кенг тарғиб этиш лозим.

6. Аёллардан бадиий-эстетик тимсол қидиришни ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг фаол субъекти образини яратиш билан бойитиш керак.

7. Ахборотлашган жамиятда аёлларда инфор­мацион маданиятни шакиллантириш технологияларини ишлаб чиқиш.

8. Хотин – қизларда инфор­мацион этика кўникмаларини тарбиялаш бўйича мах­сус дастурлар яратиш.

9. «Ўзбек аёлининг замонавий-маънавий қиё­фаси» номли мавзуда илмий-тадқиқотлар дастурини ишлаб чиқиш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.F.02.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**НАВОИЙСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

НУМОНОВА ДИЛДОР УМУРЗОКОВНА

**СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ ПОВЫШЕНИЯ
ОТВЕТСТВЕННОСТИ ЖЕНЩИН В СОВРЕМЕННОМ ДУХОВНО-
КУЛЬТУРНОМ РАЗВИТИИ УЗБЕКИСТАНА**

09.00.04 – Социальная философия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ НА СОИСКАНИЕ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ФИЛОСОФСКИМ НАУКАМ**

Самарканд – 2020

Тема диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD) по философским наукам зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2018.2.PhD/Fal 220.

Диссертация выполнена в Навоийском государственном педагогическом институте.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице (samdu.uz), по адресу (www.ziynet.uz) информационно-образовательного портала «ZiyoNet».

Научный руководитель:

Сафарова Нигора Олимовна
доктор философских наук, профессор

Официальные оппоненты:

Яхшиликот Журабой Яхшиликотвич
доктор философских наук, профессор

Аннаева Назокат Ражапбаевна
доктор философии (PhD), доцент

Ведущая организация:

Каршинский государственный университет

Защита диссертации состоится на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.F.02.02 по присуждению ученых степеней при Самаркандском государственном университете в ___ часов «___» _____ 2020 года (Адрес: 140104, город Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (0366) 239-13-87, (0366) 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40, e-mail: rector@samdu.uz. Исторический факультет Самаркандского государственного университета, 1-й этаж, комн. 105)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирована под № ____). (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (0366) 239-13-87; 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40)

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2020 г.
(Протокол № ___ от «___» _____ 2020 г.)

С.К. Каримов

Председатель научного совета
по присуждению ученых степеней,
доктор философских наук, профессор

Х.А. Джуракулов

Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых степеней,
доктор философии (PhD) по филос.н.

С.А. Чориев

Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению ученых степеней,
доктор философских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. Протекающие во всем мире процессы коренных изменений в социально-политической, экономической и духовно-культурной сферах как никогда приобрели интенсивный характер. Важное значение имеет своевременное выполнение ответственных задач и достижение успешных результатов в участии женщин в управлении делами общества и государства благодаря своей активности, интеллектуальным знаниям, рациональному осуществлению деятельности. В современном процессе глобализации повышение ответственности женщин оценивается во всем мире как один из критериев социального, экономического, культурного развития. Несмотря на изучение их места в расцвете общества рядом научных центров, сохраняет свою актуальность субстанциональное значение ответственности женщин, лежащей в основе активности женщин.

В системе мировой науки женщина как личность всегда являлась объектом исследования. Социальное, экономическое, политическое влияние женщины на общество исследуется в системе ряда научных отраслей с точки зрения современной методологии. В частности, женщина в качестве социально-активной личности и ответственного человека всегда имела свой статус в воспитании и образовании, в качестве субъекта - в производстве и предпринимательстве. В настоящее время одной из важных социальных научных проблем является раскрытие социально-философской сущности счастливой жизни, дальнейшее повышение ответственности женщин в процессе социально-экономического и политического развития, разработка практических предложений в этой сфере, которые представляют собой актуальные вопросы и являются темами важных исследований, стоящих перед социально-гуманитарными науками.

В системе реформ, осуществляемых в стране, одной из важных социальных, экономических, политических задач является повышение активности, ответственность женщин, превратилось в основное приоритетное направление государственной политики. "...мы считаем своей самой важной задачей обеспечение женщин работой, учитывая условия их жизни, создавать всесторонние возможности для облегчения тягот, которые несут наши сестры, активно продолжать государственную политику по повышению места и авторитета женщин в социально-политической жизни"¹. В выполнении этих задач большое теоретическое и практическое значение имеет изучение путей повышения участия, активности, ответственности женщин во всех сферах, анализ данного явления в целом посредством социально-политических категорий.

Настоящая диссертация в определенной степени служит выполнению задач, поставленных в Указах Президента Республики Узбекистан УП-4947

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. (Решительно продолжая свой путь национального развития, поднимем его на новый уровень). – Тошкент: "Ўзбекистон", 2017. Б. 144.

«О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года и УП-5325 «О мерах по коренному совершенствованию деятельности в сфере поддержки женщин и укрепления института семьи» от 2 февраля 2018 года и других нормативно-правовых актах, имеющих отношение к данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии в республике. Настоящее исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Формирование системы социальных, правовых, экономических, инновационных идей информационного общества и демократического государства и пути их реализации».

Степень изученности проблемы. Исследование таких вопросов, как повышение активности женщин, превращение их в активных участниц осуществления реформ, в различные исторические периоды развивались с различной динамикой. В трудах таких мыслителей, как Аристотель, Платон, Р. Декарт, И. Кант, Гегель, Э. Фромм, изложены социально-философские идеи и концепции о месте женщин в социально-политической и экономической жизни, которые имеют методологическое значение для исследования проблемы в рамках настоящей темы.

Зарубежными исследователями опубликован ряд монографических исследований, посвященных активности женщин, их месте в политическом, социальном и экономическом развитии. К ним можно отнести таких ученых, как К. Борман, П. Баррой, М. Валес, Э. Кох, С. Хаггард и др.¹

Среди исследований ученых стран СНГ данной проблеме посвящены труды таких философов, как Н.Иванова, М.Мартин, И.Грошев, С.Пригожина, Л.Попова². Их исследования в определенной мере послужили теоретической основой для частичного исследования проблемы ответственности женщин, их места в развитии общества.

Вопросы социально-политической активности женщин, их прав и социального статуса исследованы такими отечественными учеными, как М.Холматова, С.Сафаева, А.Хусейнова, Р.Убайдуллаева³, а также в научно-методологическом аспекты рассмотрены в специальных диссертациях и фундаментальных исследованиях такими учеными, как С.А. Ахророва (Повышение социальной активности женщин в Узбекистане), Н.Д. Джураева (Место женщин в социально-экономической и культурной жизни Узбекистана), Н.М. Муравьева (Вопросы повышения социальной активности женщин), К.У. Нажмиддинова, Ф.А. Примова (Место национальной и

¹ Borman K., Quarm D., Gildeonss(eds). Women in the workplace: Effects on families. – New Jersey, 1984. P.104.; E. Cox. Leading women. – Sydney, 1996.P. 326.; Haggard S. The political Democratic Transitions. – Princeton University Press, 1995. P. 179.

² Иванов Н. Что раздражает мужчин в женщинах: секреты семейного счастья. – Ростов на Дону, Феникс, 2007. С.211. Пригожина С.В. Женский портрет на фоне Востока и Запада. – М.: Вост. лит-ра, 2006.- С. 478.; Попова Л.В. Проблема самореализации одаренных женщин // Вопросы психологии. – 1996. - № 2. - С. 31–41;

⁴М. Холматова, Сафаева С. Аёллар масаласи: умумижимой ва миллий жиҳатлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003. Б.162; Хусейнова А.А. Фуқаролик жамияти ва аёллар. – Бухоро, 2009. Б.88

Убайдуллаева Р.А. Семья в Узбекистане. – Тошкент: Ижтимоий фикр, 2012. Б.164.

